

## Рамазонда ютуққа эришганлар шундай кимсаларки...

07:53 / 16.06.2017 2786

Рамазонда ютуққа эришганлар шундай кимсаларки, улар кундузи рўза, тунда сажда узра йиғлаган ва хушуъ қилган ҳолда бўладилар. Қуёш чиқишидан олдин ҳам қуёш ботганида ҳам тасбеҳ, таҳлил, зикр ва истиғфорга машғул бўладилар. Қўйингки, ҳар қандай яхшилик бўлса уни амалга оширадилар. Лекин шу билан бирга ўша амаллари қабул бўлмоқдами ёки йўқми, амаллари холис Аллоҳ учунми ёки йўқми, мана шу ҳолатдан хавф ражода бўладилар.